



**Аллоҳумма антассалаам (яъни, Салом Аллоҳнинг исмларидан бири, маъноси Сен барча айбу нуқсондан саломатсан ва Сен бандаларингни ҳалокат ўринларидан сақловчи-саломат этувчи Салом Зотдирсан). Ва минкассалаам (Яъни, саломатлик фақат Сен томонингдан). Табаарокта яа залжалаали вал икром (Эй улуғлик ва икром соҳиби, Сен айбу нуқсондан пок ва муқаддасдирсан)**

Савбон разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоздан чиққач уч марта истиғфор айтардилар ва: «Аллоҳумма антассалаам (яъни, Салом Аллоҳнинг исмларидан бири, маъноси Сен барча айбу нуқсондан саломатсан ва Сен бандаларингни ҳалокат ўринларидан сақловчи-саломат этувчи Салом Зотдирсан). Ва минкассалаам (Яъни, саломатлик фақат Сен томонингдан). Табаарокта яа залжалаали вал икром (Эй улуғлик ва икром соҳиби, Сен айбу нуқсондан пок ва муқаддасдирсан)», – дер эдилар». Валид: «Авзойига «Истиғфор қандай бўлади», – деб айтдим», деди. «Астағфируллоҳ, астағфируллоҳ», – дейсан», – деди.

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозларини тугатгач: «Астағфируллоҳ, астағфируллоҳ, астағфируллоҳ», дер эдилар. Сўнгра Аллоҳ таолони: «Аллоҳумма антассалаам ва минкассалаа, табаарокта яа залжалаали вал икром», деб улуғлар эдилар. Яъни: «Аллоҳ барча айбу нуқсонлардан пок, сифатларида комил Зотдир. Фақат Аллоҳдан дунё ва охират саломатлигини сўрайман бошқа ҳеч кимнинг қўлидан келмас. У Зот улуғлик ва эҳсон соҳибидир.

النجاة الخيرية  
ALNAJAT CHARITY

